Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 5-may, seshanba, № 56 (3561)

“Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятларимиз, бу — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир.”

Ислом КАРИМОВ

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда.



«ДАВР ЗИЙНАТИ» МУЗҚАЙМОҚЛАРИ

Қарши шаҳридаги “Давр зийнати” хусусий корхонасида буюртма асосида тайёрланаётган 30 турдаги музқаймоқларга талаб ортиб бормоқда.

— Цехларимиз хориждан келтирилган замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган, — дейди корхона раҳбари Ўктам Очилов. — Айни пайтда маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва турини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бугунги истеъмолчининг диди нозик, танлаш имконияти кенг.

2004 йилда фаолиятини бошлаган корхона дастлаб 2 турдаги музқаймоқ ишлаб чиқарди. Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган кенг шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланган Ў.Очилов корхонани босқичма-босқич модернизация қилди. Хориждан 252 минг АҚШ доллари эвазига соатига 6 мингта музқаймоқ тайёрлаш қувватига эга замонавий технология келтириб ўрнатди.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича, ички бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаётган корхона маҳсулотлари Бухоро, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларига ҳам шартнома асосида етказиб берилмоқда. Айни пайтда қўшимча тармоқ сифатида шоколад ва қуйилтирилган сут ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Ў.БАРОТОВ,
ЎзА мухбири.

Суратларда: корхона ишчилари — Отабек Шербоев, Насиба Рўзиева.

ЎзА фотомухбири Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган суратлар

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ВАТАНГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ САОДАТ

5 май — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони, “Мустақиллик”, “Дўстлик” орденлари, “Жасорат” ва “Шуҳрат” медаллари таъсис этилган кун



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Юртимиз иқтисодиётининг барча тармоқ ва соҳаларида мисли кўрилмаган натижаларга эришилмоқда. Юзлаб саноат корхоналари, замонавий йўл ва кўприклар, транспорт-коммуникация тармоқлари, шифохоналар, мактаб, лицей ва коллежлар, маданият ва спорт масканлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилаётир.

Бу каби ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга катта ҳисса қўшган, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашда фидойилик кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган юртдошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1994 йил 5 май куни Ўзбекистон Қаҳрамони унвони ва олий нишон — “Олтин юлдуз” медали, “Мустақиллик”, “Дўстлик” орденлари ҳамда “Жасорат”, “Шуҳрат” медаллари таъсис этилди.

Давлатимизнинг олий мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонидир. Бу унвон Ўзбекистон Республикаси фуқароларига давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари учун берилади. Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган шахсга “Олтин юлдуз” медали тантанали равишда топширилади.

“Олтин юлдуз” медали ҳар бир қиррасининг икки ёнбағридан олтин нурлар таралган саккиз қиррали юлдуз шаклида бўлиб, марказдаги доира ичида давлатимиз гербининг рамзига монанд ярим ой ва беш қиррали юлдуз жойлашган.

Ўтган йиллар мобайнида саксондан ортиқ юртдошимиз ана шу юксак мукофот билан тақдирланди. Улар орасида давлат ва жамоат арбоблари, фан, таълим, маданият, адабиёт намояндалари, саноат ва қишлоқ хўжалиги вакиллари бор. Бу унвон уларнинг фидокорона меҳнатлари, Ватан тараққиётига қўшган ҳиссасининг улкан эътирофи, қолаверса, халқимиз, ёшларимиз учун катта ибрат мактабидир.

2014 йилда Андижон вилояти Олтинкўл иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори Шукуржон Маматқулов шундай юксак эътирофга сазовор бўлди.

— Юртимизда илм-маърифат азалдан юксак қадрланиб келган, мураббийлар ва устозлар табаррук зотлар саналган, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Ш.Маматқулов. — Давлатимиз раҳбарининг “Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир”, деган сўзлари бизнинг меҳнатимизга берилган энг юксак баҳодир.

Ватанимиз тарихига мангу муҳрланган воқеалар кўп. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши тарихий эврилишлар ичида энг буюк воқеадир. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида замонавий дунёда ўз ўрнини топганига йигирма тўрт йил бўлди. Бу йилларда халқимизнинг озод ва обод Ватан, янги жамият барпо этиш йўлидаги буюк ишлари мужассам. Истиқлол йилларида Ватанимиз, халқимиз ҳаётида, барчамизнинг онгу тафаккуримизда рўй берган улкан ўзгаришларни кўз олдимизга келтиргани-мизда истиқлолнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақилликнинг муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсон ҳаётида тутган ўрнини янада теран англаймиз. Давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири “Мустақиллик” номи билан аталишида ҳам катта рамзий маъно бор.

Ушбу орден билан ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга, мамлакатимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган юртдошларимиз тақдирланади. Шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилиши мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқ фаровонлигини ошириш, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Бундай барқарорлик муҳитининг қарор топишида юртимиздаги барча миллат вакилларининг бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаётгани, бунинг учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароит таъминлангани муҳим омил бўлаётир.

“Дўстлик” ордени билан Ўзбекистондаги барча миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашда катта ютуқларга эришган, халқимизнинг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган фуқаролар мукофотланади. Ушбу мукофот соҳиблари орасида юртдошларимиз билан бирга бошқа мамлакатлар фуқаролари ҳам бор.

Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. Бу саодатга тинч, хотиржам ва осойишта ҳаёт орқали эришиш мумкин. Зеро, инсон бахти ва иқболи учун зарур моддий ва маънавий неъматларнинг асоси тинчликдир. Тинчлик ҳукмрон юртдагина инсон эзгу орзуларни кўнглига тугиши ҳамда уларнинг ушалишидан қалби қувончга тўлиши, ўз иқтидори, қобилияти ва салоҳиятини тўла намойиш этиши мумкин. Тинчликни таъминлаш миллий армиямиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бу йўлда мардлик ва фидойилик кўрсатган инсонларнинг Ватан олдидаги хизматлари ҳеч қачон унутилмайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган жасоратлари учун кўплаб юртдошларимиз “Жасорат” медали билан тақдирланди.

Ҳар йили ўнлаб юртдошларимиз мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси учун “Шуҳрат” медали билан тақдирланмоқда.

Дарҳақиқат, давлатимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган юртдошларимиз кўксига ярашиб турибди. Зеро, Ватан учун яшаш, эл-юрт учун хизмат қилиш — олий саодатдир.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ЎзА суратлари

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Дам олиш куни невараларим билан пойтахтимиз бўйлаб айлангани чиқдик. Истиқлолимизнинг улуғвор тимсоли бўлган Мустақиллик майдонидаги Хотира хиёбони табаррук қадамжо саналгани учун сайрни шу ердан бошладик.

БОБОЛАР ЁҚҚАН МАЁҚ



Юракда ҳаяжон билан одамларга қўшилиб невараларимнинг жажжи қўлчаларидан тутиб, хиёбон оралаб борарканман, Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетганлар бирма-бир қаршимизда сафлангандай бўлади.

Шакл берилган гулзорлардаги турфа гуллардан тортиб, енгил силкиниб турган япроқларда, шаҳидлар номи битилган зарҳал лавҳаларда ярқираётган қуёш нуридан то ловиллаб ёнаётган мангу оловда бир ҳикмат яширингандай.

Мотамсаро она сиймоси азиз фарзандларини инсониятнинг тинчлигини таъминлаш учун ёвуз душманга қарши урушга йўллаган ва уларни ҳамон кутаётган она Ватан тимсоли бўлиб юракларга жойланади. У миллатнинг онаси сифатида шаҳид кетган фидойи фарзандларини “Сен доим қалбимиздасан, жигарим” деяётгандек.

Мотамсаро она ҳайкалига кўзи тушиши билан неварам Акбаршоҳ:

— Бу ким? — деб сўрайди.

(Давоми 2-, 3-саҳифаларда).

ТУРИЗМ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан “Kasaba sayr” шўъба корхонаси Ўзбекистон темир йўллари билан ҳамкорликда Тошкент — Урганч — Хива, Урганч —Тошкент саёҳатини амалга оширди. Мароқли саёҳатга 450 нафар касаба уюшма аъзоси жалб этилди.

ЖАННАТМОНАНД ЎЗБЕКИСТОН БУ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ички туризмни ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. “Kasaba sayr” шўъба корхонасининг ташкил этилганлиги бу борадаги ишлар самарадорлиги янада ортишига сабаб бўлди.

— Кексаларни эъзозлаш йили муносабати ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2015 йил 24 январдаги “Касаба уюшмалари ташкилотларида туризм фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Kasaba sayr” шўъба корхонаси ва Ўзбекистон темир йўллари акционерлик жамияти ҳамкорлигида 1-3 май кунларида айнан 450 нафар саёҳатчилар учун “Афсона” поездида Урганч ва Хива шаҳарларига саёҳат уюштирилди, — дейди “Kasaba sayr” шўъба корхонаси раҳбари Тўлқин Хидиров. — Сайёҳлар орасида таълим, соғлиқни сақлаш, газ, электр энергияси соҳаси, давлат ва жамоат бирлашмалари вакиллари, 40 дан зиёд кексалар бор. Саёҳатчилар асосан Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Самарқанд, Андижон, Жиззах вилоятларидан.

...Шанба куни эрталаб поезд Урганч темир йўл вокзалига келиб тўхтади. Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Равшанбек Жабборов бошчилигидаги бир гуруҳ фаоллар, маданият ва спорт ишлари бошқармаси масъул ходимлари, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси санъаткорлари меҳмонларни тантанали кутиб олишди.

Янги қиёфа касб этган Урганч темир йўл вокзали, унинг кўркига кўрк қўшиб турган бетакрор фаввора, қийғос очилиб турган ранго-ранг гуллар меҳмонларда Хоразм ҳақидаги илк таассуротларни уйғотди. 24 та автобусда саёҳатчилар вилоят ЙҲХ ходимлари кузатувида аввал Урганч шаҳрида янгидан қад ростлаган иморатлар, реконструкция қилинган Урганч Халқаро аэропорти ва бошқа бунёдкорликлар билан танишиб, сўнгра қадим ва навқирон Хива шаҳрига йўл олдилар...

Президентимизнинг “2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Қарори соҳанинг кескин ривожланишини бошлаб берди. Хоразмга ташриф буюраётган сайёҳлар сони муттасил ортиб бормоқда. Хусусан, сўнгги уч йилда сайёҳлар сони 38 минг нафардан 55 мингга етди. Бошқача айтганда, туристлар ҳар йили 10-15 фоизга кўпаймоқда.

(Давоми 4-саҳифада).

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



ЯГОНА УЙИМИЗ

Ўзбекистон рус миллий маданият марказида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган маданий тадбир бўлиб ўтди. Унда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, Республика байналмилал маданият маркази вакиллари иштирок этди.

Ёш мусиқачилардан таркиб топган оркестр ижросидаги тантанавор куй тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият бахш этди. Ўзбекистон рус миллий маданият маркази раҳбари Александр Аристов тадбир иштирокчиларини қутлуғ сана билан табриклаб, уруш қатнашчиларига соғлик-саломатлик ва узоқ умр тилади.

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри, Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри, “Табассум” болалар ансамбли, таниқли санъаткорлар ҳамда 23-“Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиларининг мусиқий чиқишлари тадбирга ўзгача шукуҳ бахш этди.

Сўз олганлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, мамлакатимизда турли миллат ва элатларнинг ўз миллий маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини ривожлантириши учун барча шароит яратилгани қайд этилди.

— Бош қомусимизнинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган, — дейди тадбир иштирокчиси Дмитрий Мешков. — Ана шу қонуний кафолат туфайли бугун юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаб келмоқда.



— Мен Ўзбекистонда туғилганман, — дейди Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри хонандаси Ольга Нугаева. — Ўзбекистон — ягона Ватанимиз. Бу муқаддас заминда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларининг шахс сифатида шаклланиши, таълим олиши ва ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишиши учун барча имконият яратилганидан беҳад хурсандмиз. Кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан кўнглимиз тоғдек кўтарилиб, қалбимизда ғурур ва ифтихор ҳиссини туймоқдамиз.

Ўз мухбиримиз.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

2015-yil 5-may, seshanba, № 56 (3561), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА
ҳисобот-сайловлар йили

Ҳособот-сайлов йиғилишлари ўзига хос сарҳисоб, айни пайтда келгуси режалар, белгиланадиган муҳим тадбирга айланмоқда. Тошкентдаги 4-автобус саройида бўлиб ўтган йиғилишда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

КЎТАРИНКИ РУҲДА

— Тизимимизда 165 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларнинг 135 тасида ҳисобот-сайловлар ниҳоясига етди, — дейди Тошкент шаҳар транспорт, йўл ва капитал қурилиш индустрияси ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Хусниддин Сайдалиев. — “Тошкент трамвайи”, 2-автобус саройи, “Ўзшаҳарсозлик Лити” давлат унитар корхонаси, “12-қурилиш трести” акциядорлик жамиятларида йиғилишлар кўтаринки руҳда ўтди. Ишонаманки, бугунги йиғилиш ҳам таассуротларга бой бўлади.

Конференцияда Элдор Мадазимов ҳисобот берди.

— Касаба уюшма ташкилоти томонидан 5 йил давомида амалга оширилган айрим ишларга эътиборингизни тортишни хоҳлардим, — деди Э.Мадазимов. — Маъмурият билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни оптималлаштириш режасини тайёрлаш ва унинг бажарилишидаги фаоллик ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимида ҳам бизга жуда қўл келганлигини таъкидлаш лозим. Жамоа шартномасида қайд этилган “Иш вақти ва дам олиш вақти”, “Тўлов ва меҳнатни рағбатлантириш”, “Ижтимоий кафолатлар”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш”, “Маданий-маиший, спорт-соғломлаштириш” бандларининг тўла бажарилиши юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Автокорхонада меҳнат муҳофазасига эътибор йил сайин яхшиланиб боряпти. Шу мақсад учун 2010 йилда 2,1 миллион сўм сарфланган бўлса, 2014 йилда бу рақам 4,1 млн. сўмга етди.

Автокорхонада маданий-маърифий ишларга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидламоқчиман, — деди йиғилиш иштирокчиси Умарали Тўрахўжаев. Соғломлаштириш масаласи эса ҳамиша биринчи ўринда. Ишчи-хизматчиларга турли сиҳатгоҳларга 9 та йўлланма берилди. 116 нафар ўғил-қизимиз болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришди.

Сўзга чиққан ҳар бир киши ўз фикрини баён қилар экан, асосий мақсад бошланғич ташкилот фаолиятини бундан-да яхшилаш эканлиги шундоққина сезилиб турарди.

Хусусан, ижтимоий меҳнат соҳасидаги айрим муаммолар тилга олиб ўтилди. Бу эса маълум даражада кадрлар қўнимсизлигини келтириб чиқаряпти. Масалан, биргина ўтган йили 26 нафар киши ишга олиниб, 32 ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинди. Бу ҳол маъмурият ҳамда касаба уюшма ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо этади, албатта.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Элдор Мадазимов касаба уюшма қўмитаси раиси этиб бир овоздан қайта сайланди.

Неъмат РАФИҚОВ,
“Ishonch” мухбири

ИСЛОҲОТ — ИНСОН УЧУН

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ходимлар ва талабалар касаба уюшма қўмитасининг конференцияси бўлиб ўтди.

— Фаолиятга янгича ёндашув самараларини ҳаммамиз кўриб турибмиз, — деди касаба уюшма қўмитаси раиси Файзиддин Тиловатов ўз ҳисоботида. — Аъзолик бадалларининг 60 фоизи бошланғич ташкилотларда қолдирилиши ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, меҳнат соҳасидаги манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, спорт-соғломлаштириш, дам олиш, маданий-маърифий тадбирларни янада ривожлантиришга асос бўлди. Шунингдек, санаторий йўлланмаларидан оила аъзоларининг ҳам фойдаланиш имконияти мавжудлиги, йўлланмалар харидидаги имтиёзлар, аёллар, ёшлар, меҳнат фахрийлари ва ногиронлар учун белгиланаётган ижтимоий кафолатлар сўзимиз исботидир.

Ходимларни Меҳнат кодексининг 214-моддасига биноан дастлабки ва кейинчалик вақти-вақти билан бепул тиббий кўрикдан ўтказиб бориш ишлари йўлга қўйилди.

Барча даражадаги касаба уюшма органлари билан давлат бошқарув идоралари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланди. Касаба уюшмалари ҳаракат йўналишлари тубдан қайта кўриб чиқилди. Ташкил этилаётган маданий, маърифий ва спорт тадбирлари ягона тизимга киритилди. Маънавият соати ва ходимлар гимнастикаси мунтазам ўтказилаётир.

Мустақиллик байрами арафасида институтда “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” ҳамда “Энг яхши мақола танлови” кўрик-танловлари ташкил этилди. Ғолиблар ҳамда ўқув йили давомида меҳнатда ўрнак кўрсатган ходимлар рағбатлантирилди. Анъанавий ўтказиб келинаётган спорт мусобақаларига касаба уюшма қўмитаси ҳомийлик қилмоқда. “Касаба кубоги”, ҳаваскор велоспортчилар ўртасида “Касаба-тур” веломарафони шулар жумласидандир.

Тафтиш комиссиясининг ҳисоботидан сўнг, институтнинг хотин-қизлар қўмитаси раиси Юлдуз Ҳасанова, ахборот-ресурс маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Махфират Турдиева, иқтисодиёт факултети талабаси Гулноза Дилмуродова, илмий ишлар проректори Ғулом Узоқов ва бошқалар беш йиллик фаолиятга ўз баҳоларини берди.

Файзиддин Тиловатов бир овоздан қўмита раислигига навбатдаги муддатга сайланди.

Конференцияда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шодмон Кубаев ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Исоқ Аҳмедов иштирок этди.

Акмал АБДИЕВ,
“Ishonch” мухбири

“ТАШАББУС — 2015”



ИЛҒОР ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАР БЕЛЛАШДИ

Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган “Ташаббус – 2015” республика кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор юртимиз ободлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Тадбиркор, фермер ва ҳунармандларни изланиш, янги ташаббус ва ғоялар сари руҳлантираётган ушбу анъанавий танлов соҳага илғор технологияларни жорий этиб, юқори натижаларга эришаётган ишбилармонлар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Хусусий секторга қаратилаётган бундай эътибор Сурхондарё вилоятини иқтисодий-ижтимоий юксалтиришда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, жорий йилнинг дастлабки чорагида кичик бизнес корхоналарининг вилоят ялпи маҳсулотидаги улуши 57,3, хизматлардаги улуши 57,1 фоизни ташкил этди. 387,7 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 209,8 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. 224,3 миллиард сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилди. 5 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш учун вилоят тижорат банклари томонидан 134,6 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди.

Кексаларни эъзозлаш йилида ўтказилган кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичларида 450 дан ортиқ тадбиркор, фермер ва ҳунарманд ўз маҳсулотларини намойиш этди. Улардан 41 нафари вилоят босқичида қатнашди.

“Йилнинг энг яхши тадбиркори” йўналиши бўйича Денов туманидаги “Денов равнақ камоли” хусусий корхонаси раҳбари Ҳабибулло Муродов биринчи ўринни эгаллади. Шеробод туманидаги “Тошпўлатов Баҳодир Жўраниёзович” фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Тошпўлатов “Йилнинг энг яхши фермери”, Термиз туманидаги “Angel farishtasi” оилавий корхонаси бошлиғи Назира Шобердиева “Йилнинг энг яхши ҳунарманди” номинацияларида ғолибликни қўлга киритиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

“Энг ёш тадбиркор”, “Энг яхши тадбиркор аёл”, “Кекса тадбиркор – ташаббус эъзозида”, “Энг яхши оилавий бизнес соҳиби”, “Энг яхши экспортчи”, “Ёшларга иш берган энг яхши тадбиркор” каби ўнга яқин номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, тақдирланди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ
олган суратлар



ТАРАДДУД

400 нафар ўғил-қизни дам олдириш режалаштирилган “Ишонч” болалар оромгоҳида ёз мавсумига ҳозирлик авжида. Қарийб 3 гектарлик майдон бугунга келиб обод ва сersоя масканга айлантирилди.

БАҒРИ ҲАМИША БАҲОР

Бундан 2 йил олдин барпо қилинган чорбоғ қийғос гулга кирган. Насиб бўлса, мавсум давомида ўз боғимизда етиштирилган олма, нок, олча, шафтоли, узум сингари мева-чевалар болажонлар дастурхонини файзга тўлдиради. Бундан ташқари, 3 сотих майдонда иссиқхона ташкил қилиб, эртанги помидор, бодринг ниҳолларини қадаб чиққанмиз. Ҳозирда ниҳоллар гулдан чиқиб, мева туга бошлади.

Ҳудудни кўкаламзорлаштириш, атрофдаги очиқ ерларни обод қилишга аҳд қилганмиз. Эрта баҳорда 25 дона манзарали кўчат ўтқаздик. 600 дона турли гуллар парваришланмоқда. 3000 туп терак қаламчаси улғайиб майдонча ва йўлаклар соя-салқин кўриниш олди.

Кенг кўламли тайёргарлик ишлари вилоятдаги барча болалар соғломлаштириш оромгоҳида қизғин бормоқда.

Тўлқин ЎСАРОВ,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ишлар бошқарувчиси

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармаси томонидан “Профилактика инспекторларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги” мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Юртимизда профилактика инспекторлари, фуқаролар йиғини раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилоти вакиллари, маҳалла посбонлари, “Камолот” ЁИҲ бошланғич ташкилот аъзолари билан биргаликда ишлаб келмоқда. Улар ҳар куни хонадонларга кириб, ҳар бир оиладаги ижтимоий-маънавий аҳволни ўрганиб чиқишмоқда. Хотин-қизларнинг мамлакатда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда тўлақонли иштирокини таъминлаш, уларнинг фаоллигини ошириш борасида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Натижада, хотин-қизлар томонидан содир этилган умумий жиноятлар республика бўйича кескин камайишига эришилди. Шунингдек, профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги хизматлари каттадир.

Кенг қамровли профилактик тадбирлар натижасида республикамиздаги 5688 маҳалласида биронта ҳам жиноят содир этилмади. Матбуот анжуманида шу каби масалалар ҳақида сўз борди.

Нигина МАМАТҚУЛОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултети талабаси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Болакайларнинг содда, самимий сўроқ ва жавобларини эшитиб энтикиб кетаман. “Сизлар ҳеч қачон урушни кўрманглар, тинч, озод юртда бахтиёр авлод бўлиб камолга етинглар”, дея кўнглимдан ўтказаман. Саволлари ҳеч тугамас невараларимнинг бошини меҳр билан силаб бағримга босарканман, шундай дейман:

— Бу табаррук буви — аскарларнинг онаси. Унинг болалари ўзбекнинг, Ўзбекистонимизнинг мард ўғиллари эди. Бундай оналар юртимизда жуда кўп, уларнинг урушда шаҳид бўлган ва бедарак кетган аскар ўғиллари ундан ҳам кўп эди. Бу она ҳаммамизнинг онамиз, унинг фарзандлари бизнинг жигарларимиз. Уларнинг номлари, анаву олтиндай товланиб турган лавҳаларга ёзиб қўйилган. Бугун биз ана шу миллатимиз онасини ва унинг урушда шаҳид кетган ўғиллари — жигарларимизни зиёрат қилгани келдик.

Невараларим сўзларимни тинглаб, урушнинг нақадар даҳшат эканлигини ўзларича идрок этишади.

— Кўрдингми, Акбаршоҳ, уруш жуда ёмон нарса экан, у оналарни йиғлатаркан, уларнинг болаларини ўлдираркан. Сен ҳам танкларингни, автомат ўйинчоқларингни синдириб ташла, — дейди Кумушой.

— Шундайку-я, аммо мен ўғил боламан-ку?! Катта бўлсам кучли йигит бўлиб, Ўзбекистонни ҳимоя қиламан, — Кумушойга жавобан кўзларида ўт чақнаб сўзлайди жажжи ўғлоним.

Невараларим ўзларича чуғурлашиб, қўлларидаги гулларни Мотамсаро она пойига қўйишади. Таассуротларни ёзиш учун қўлимга қалам оламан...

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

Ҳар гал уруш ҳақида ёзиш учун қўлимга қалам олганимда оппоқ қоғозга қон сачрагандай сесканиб кетаман. Кўз ўнгимда уруш фожиалари жонланади: вайронага айланган шаҳру қишлоқлар, фарзандларидан жудо бўлган оналар фарёди, етим қолган болалар оҳу ноласи, уй тўридаги урушга кетаётганда йигитлар тишлаб кетган нонлар, сандиқларда эгасини кутиб сарғайган куёв сарполари, очлик ва юпунлик, сўнгги насибасини ҳам фронтга илинган буюк халқ қалби...

— Урушнинг номи ўчсин, — дейди 100 ёшдан ошган Пошшохон момо. — Умидларимни саробга айлантирди. Авval турмуш ўртоғимдан айрилдим, сўнгра ёлғиз ўғлим Фарҳоджон бедарак кетди... Азизларимнинг йўлига кўз тутиб, умид билан яшаяпман. Нима қилайки, онаман, тиқ этса, ҳозир ҳам эшикка қарайман. Телевизорга термуламан. Меҳрибонларимни кўрсатиб қоладими, дейман ўзимча. Эвоҳ, уруш оловини ёққанларнинг ҳам онаси бормикан?!

Онахонимнинг сўровига тарих саҳифаларидан жавоб излайман. Тарихчиларнинг эътироф этишича, сўнгги беш минг йилликда 14 мингдан ортиқ урушлар қайд этилган экан. Бу урушларнинг аксарияти ер ва мансаб, бойлик ва ном қозонмоқ илинжида бошланган. Уларда миллиард-миллиард одамларнинг умри бевақт хазон бўлган. Иккинчи жаҳон урушида қўксини ўқ тешиб ўтган қуролдоши ҳақида сўзлаб, унинг кўкрак чўнтагидан топилган рафиқаси ва ўғлининг суратини бизга кўрсатди. Суратдаги жувон жуда кўҳлик бўлиб, пешонасининг устидан ўқ тешиб ўтган, тешик атрофида қон доғлари қотиб қолган эди. “Ана шу қутлуғ қонни унутиш мумкинми? — деди устозимиз овози қалтираб бизга мурожаат қилар экан.

— Шуни ёдда тутингларки, бевақт тўкилган ана шу қон олдида, хазон бўлган ана шу ёш жон олдида, унинг тул қолган хотинию фарзанди, гўзал ёшлиги, муҳаббати олдида, қўйингки, барча шаҳид кетган йигитларимиз руҳи олдида сиз, биз — барчамиз қарздормиз. Ана шу қарзимиз ва бурчимизни узиш учун тинчликнинг ҳар бир кунини қадрлаб, улар учун ҳам ўқишингиз, яшашингиз керак...

Устозимиз ҳаётдан завқ-шавқ олиб, эзгулик рамзи сифатида изидан 7 нафар оқил фарзанду минглаб шогирдларни қолдириб, жисмида ва жонида уруш жароҳатларини яшириб ўтган йили ёруғ оламни тарк этди. Аммо у айтган сўзлар қалбимда ҳамон акс садо беради: “Номинг ўчсин, уруш, Уни биз кўрдик, сизлар фақат китоблардан ўқинглар!”.

ЎРНИ ТЎЛМАС ЙЎҚОТИШЛАР

Инсон зоти борки кечаги кун сабоғи, эртанинг умиди билан яшайди. Иккинчи жаҳон урушидаги йўқотишларни айтган билан адоғи кўринмайди.

Бизнинг ўзбекчиликда қазо қилган одамга қўшиб, унинг кийимлари кўмилмайди. Аммо Бибимарямнинг кафанланган танасига қўшиб келинлик сарполарини ҳам кўмишди. Фотиҳаси бўлгану никоҳ тўйи ўтмаган бу қизнинг сочлари урушга кетиб қайтмаган бўлғуси куёвини кутиб оқарди, 80 йил умр кўриб, бу дунёдан ҳур кетди. Дилдори билан дийдорни нариги дунёга қолдирган Ҳурқиз шундай васият қилди: “Мени келин сарполарим билан кўминглар”...

Онамнинг ҳикоя қилишларича, Қорача биби уч ўғил ўстирган. Эл-улус уларни “Уч оғайни ботирлар”, дейишаркан. Уч оғайни бир ҳафтада олдинма-кейин урушга жўнайди. Уч йилда учта “қорахат” олган она савдойи бўлиб қолади. 43-йилнинг қаҳратон қишидан омон чиққан онахон баҳорда вафот этди. Шу куни осмону замин ҳам урушни лаънатлаб қақшаб йиғлади: чўлда уч кун шаррос ёмғир қуйди...

Хотиралар оғир, хотиралар зулмат




ЎзА сурати

2015-yil 5-may, seshanba, № 56 (3561), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ИЗИДАН

БОБУР МЕРОСИ — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Бобур номли халқаро жамоат фонди томонидан кўҳна тарихимизни тиклаш, буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, улар қолдирган илмий-маданий меросларни излаб топиб, илмий истеъмолга киритиш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.



Бунда халқаро илмий экспедицияларнинг алоҳида ўрни бор. Экспедициянинг биринчи сафари 1992 йил май ойида амалга оширилган бўлиб, шу кунгача 30 дан ортиқ хорижий давлатга 20 га яқин сафар уюштирилди.

Сафарлар давомида кўҳна тарихимизга оид ҳамда буюк аждодларимиз қолдирган ноёб асарларнинг асл ва фотонусхалари мамлакатимизга олиб келиниб, илмий истеъмолга киритилди.

“Бобур девони” Кобул нашрига такмила, Румер Годеннинг “Гулбадан”, “Бобурнома”нинг ҳозирги ўзбек тилидаги табдили, рус тилидаги таржимаси, “Ғарибинг Андижонийдур” девони, “Бобурнома” миниатюралари, “Бобур ва Юлий Цезар”, “Бобур ҳақида ўйлар”, “Асрларни бўйлаган Бобур”, “Бобурийнома”, “Буюклар изидан”, “Бобурийлардан бири”, “Ҳинд сориға”, “Андижондан Даккагача”, “Андижондан Боғдодгача”, “Хорижда бобуршунослик”, “Бобурнома учун қисқача изоҳли луғат”, “Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври”, “Акбар — бобурийларнинг энг буюги”, “Таворихи Мусиқиюн”, Вильям Рашбрукнинг “Ўн олтинчи аср бунёдкори”, “Андижон шаҳзодаси”, Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг “Тарихи Рашидий”, “Буюклик хислати”, “Ҳабиб-ус сияр”, “Буюк Соҳибқирон ўтган йўлларда”, “Бобур ва бобурийлар библиографияси”, “Бобурийлардан бири” ва бошқа китоблар нашр этилди.

Кейинги бир йилдаги фонд жамоаси изланишлари натижасида “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи 350 дан зиёд ноёб китоб ва қўлёзма асарлар билан бойиди. 30 дан ортиқ илмий-бадиий китоб чоп этилди. Меҳнаткашлар ҳамда зиёратчиларнинг дам олиши учун етарли шарт-шароит яратиш мақсадида Бобур номли миллий истироҳат боғи янада ободонлаштирилди. “Зайтун, писта ва бошқа субтропик ўсимликлар етиштириш илмий маркази” ташкил қилиниши эса ушбу боғнинг ўзига хослигини таъминлайди.

Хайрли ишлардан яна бири, бу Ўзбекистон-Хитой қўшма археологик комплекс экспедицияси ва Бобур номли халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида “Қадимий ва ўрта асрлар Фарғона водийси тарихи ва этнографияси” мавзусида халқаро илмий семинар ташкил этилганлигидир.

Илмий семинарда Хитой Халқ Республикаси парламенти юқори палатаси аъзоси, Ижтимоий ФА Археология институти директори, академик Ванг Вей бошчилигидаги делегация вакиллари билан ҳамкорликда Марҳамат туманидаги Мингтепа шаҳар харобаси асосида очиқ осмон остидаги музей ташкил этиш таклифи, Андижон шаҳрининг 2500 йиллик ёшини аниқлаш бўйича олиб борилган археологик қазишмалар натижаларига бағишлаб, рус ва ўзбек тилларидаги “Древний и средневековый Андижан” ҳамда “Андижон тарихи” монографияси муҳим тарихий асарлар сифатида чоп этилганлиги эътироф этилди. Чоп этилиши режалаштирилган “Андижон энциклопедияси” ва “Фарғона водийси тарихий обидалари дурдонаси (Андижон тарихий ёдгорликлари мисолида)” китоб-албоми лойиҳаси маъқулланди. Бу режаларнинг амалиёти ҳам аллақачон бошланиб, дастлабки муваффақиятлар ҳақида матбуотда бир қанча мақолалар берилди.

Бобур халқаро илмий экспедицияси томонидан Афғонистон давлатига ўтган йили амалга оширилган илмий сафар муносабати билан буюк аждодларимиз Алишер Навоий, Султон Хусайн Бойқаро, Камолиддин Беҳзодларнинг қабр-мақбаралари ўрганилиб, у жойларни ободонлаштириш юзасидан таклифлар тайёрланди. Бобур номли халқаро жамоат фондининг Афғонистон (Мозори-Шариф) бўлими очилиб, фонд томонидан чоп этилган Бобур ва бобурийларга оид китоблар афғонистонлик китобхонларга тақдим қилинди. Мамлакатимизда илк бор тарихий шахс ҳақида қомус — жаҳондаги барча шарқшунослар учун муҳим қўлланма бўла олувчи “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси” яратилиши, айниқса, қувончли бўлди.

64 босма тобоқли бу улкан энциклопедияни яратишда ўзбек бобуршунос олимлари қаторида Япония, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон ва европалик олимлар ҳам фаол иштирок этишди.

Энциклопедия буюк тарихий сиймо, ҳайратомуз истеъдод ва тақдир соҳиби бўлмиш Бобур ҳаётини, унинг сиёсий, ҳарбий, адабий ва илмий меросини ёритишга, Бобурнинг авлодлари, бобурийлар сулоласи билан боғлиқ асосий мод-



дий ёдгорликлар ҳамда бобуршунослик ҳақида тўлиқ маълумот беради. Ҳозиргача нашр этилган бу турдаги энциклопедиялардан фарқли ўлароқ, Бобур иштирокчиси бўлган тарихий воқеаларнинг кенг қамровли ва ўта мураккаблиги, нисбатан қисқа умр кечирганига қарамай, жаҳон тамаддунига қўшган буюк ҳиссаси, тарихдаги энг машҳур сулолалардан бирига асос солганлиги, ўзидан бой ва ранг-баранг ижодий мерос қолдирганлиги, “Бобурнома”да ўндан зиёд фан соҳасига оид маълумотлар мавжудлиги ҳисобга олинса, “Бобур энциклопедияси” амалда универсал энциклопедия характерини касб этиши аён бўлади. Шу йил Заҳириддин Муҳаммад Бобур илмий-бадиий тадқиқот асарининг тақдимотида уни тайёрлашдаги хизматлари ва “Бобур. Девон. Назм маҳорати”, “Аруз” китоблари учун таниқли математик олим ва зукко адабиётшунос Абдулла Аъзамов Бобур халқаро мукофотига сазовор бўлганлиги эълон қилинди. Мисрлик ва афғонистонлик бобуршунослар — Магда Махлуф, Абдулла Руин, мамлакатимиздаги йирик олим ва адабиётшунослар — Азиз Қаюмов, Саидбек Ҳасанов, Ҳасан Қудратиллаев, Ваҳоб Раҳмонов каби ўндан ортиқ бобуршунослар Бобур халқаро фондининг тақдирлов ёрлиғи ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти, ижоди, илмий мероси жуда кенг қамровли, бой. Улар ҳали тугал жамлангани йўқ. Демак, Бобур номли халқаро жамоат фондининг изланишлари давом этади.


Рустамжон МАМАСОЛИЕВ,
Бобур номли халқаро
жамоат фонди
раиси ўринбосари

ТИББИЁТ

МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ

Тиббиёт тизимига берилаётган эътибор соҳа мутахассисларидан ўз касбига фидойи бўлиш баробарида замонавий даволаш усулларидан ҳам тўла бохабар бўлиб боришни тақозо этмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларида хорижлик мутахассислар иштирокида қатор семинар ва анжуманлар ўтказиш анъанага айланган бўлиб, 2-3 май кунлари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида “Нейрожарроҳлик ва нейрореанимациянинг янги йўналишлари мавзусида” ташкил этилган маҳорат дарслари ана шу узвий ҳамкорликнинг ифодасига айланди. Россиялик мутахассислар — Н.Бурденко номидаги нейрожарроҳлик илмий текшириш институтининг академик ва профессорлари томонидан олиб борилган семинар машғулотларида республикамиздаги нейрожарроҳлик соҳасида фаолият юритувчи 160 зиёд тингловчилар қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.



ЎзА сурати

— Маҳорат дарслари асосан уч босқич, яъни, бош мия ва марказий нерв системаси касалликларига ташхис қўйишнинг янги усуллари, нейрореанимация талаблари ҳамда касалликни даволашда радиожарроҳлик ва радиотерапия қўллашнинг аҳамиятига доир маърузалар билан иштирок этдик, — дейди Россия Фанлар Академияси академиги, Н.Бурденко номидаги нейрожарроҳлик илмий текшириш институтининг раҳбари Александр Потапов. — Қолаверса, ўзаро тажриба алмашиш илмий изланишлар самарадорлигини ҳам оширади.

— Республикамизда барча соҳалар қатори нейрожарроҳлик тизимини такомиллаштиришга масъулият билан ёндашилаяпти, — дейди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг нейрореанимация бўлими мудири Хуршид Дадаев. — Хусусан, марказимизда бош мия фаолияти билан боғлиқ касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур шароитлар яратилган. Бўлим фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида йилдан-йилга янги тиббий технологиялар келтириб ўрнатилмоқда. Шундай тиббий жиҳозларимиздан бири, бу — бош мия фаолиятини ўрганувчи невромониторингдир. Унинг ёрдамида касалликка барвақт ташхис қўйиш имконияти яратилди. Бўлимда йил давомида 400 дан зиёд беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатилади. Нейрожарроҳларнинг билимини бойитиб бориш мақсадида хорижий давлатларга тез-тез сафар уюштириб турамиз. Ўзим ҳам 2012 йилда Финландияда 2 ҳафта мобайнида малака ошириб қайтдим. Бугунги маҳорат дарсларида эса иш жараёнимизда асқатадиган фойдали маълумотларга эга бўлдик.

Семинарда соҳага доир масалалар қизғин муҳокама қилинди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
“Ishonch” мухбири

АМАЛИЙ ЁРДАМ

ЎРГАНИБ ВА ЎРГАТИБ

ЎзКУФК юридик бўлими мутахассислари жойлардаги касаба уюшма ташкилотларида бўлиб, тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини ўрганиш билан бирга мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан амалий ёрдам бермоқда.

Айни пайтда, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун талабларининг амалиётга қўлланилиши туфайли эришилаётган ютуқларга, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган фаолларнинг иш услубини оммалаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан биргаликда ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, иш берувчи билан муносабатида юз берган тушунмовчиликларни бартараф этиш борасида ҳам муайян ишлар қилинаяпти. Юридик бўлим мутахассислари Фарғона вилояти КУТБКда бўлган пайтда, бирлашма юридик бўлими фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатлар билан ишлашда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун ва “Касаба уюшмаларида мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби” талабларига тўлиқ амал қилаётганига, мазкур қонун ва меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилганда фаол аралашаётганига амин бўлишди.

Жумладан, Фарғона шаҳар ХТМФМТТЭБга қарашли 45-мактабгача таълим муассасаси мудираси К.Турсунованинг ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан ноқонуний равишда бекор қилингани тўғрисидаги шикояти ўрганилганда, маъмуриятнинг нотўғри иш тутгани аниқланган. Ҳуқуқшунослар иш берувчи билан мулоқотдан сўнг, маъмурият вакилига Меҳнат кодекси талаблари баён этилган тақдимномани топширдилар. Иш берувчи ўзининг хатти-ҳаракатлари қонун талабларига мос келмаслигини тушуниб етгач, К.Турсунова аввалги ишига тикланган ва мажбурий бекор юрган кунлари учун товон пуллари тўлаб берилган.

Ушбу тажриба Фарғона вилояти чет тилларга ихтисослашган мактаб-интернати ходими Қ. Шодиеванинг сабабсиз ишдан бўшатилгани тўғрисидаги мурожаатини ўрганишда ҳам қўлланилган. Қ.Шодиева ҳам ўз ишига тикланиб, товон пуллари ундириб берилди.

Агар қонунбузарлик ҳолатларини ҳал этишда иш берувчи билан мулоқот ва тақдимнома киритиш ўз натижасини бермаса, касаба уюшма ҳуқуқшунослари фуқаролик ишлари бўйича судлар орқали ходимларнинг ҳуқуқини тиклашга эришмоқда. Масалан, фуқаро А.Риёзовнинг манфаатларини кўзлаб, ишга тиклаш ва мажбурий прогул учун ҳақ ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судига киритилган даъво аризаси суд томонидан қаноатлантирилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида бирлашма кенгашига 23 та ёзма ва 79 та оғзаки мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шу кунгача ёзма мурожаатларнинг 13 таси, оғзаки мурожаатларнинг 41 таси ижобий ҳал этилган. “Ишонч телефонлари” орқали келиб тушган 138 та мурожаатга ҳуқуқий маслаҳатлар берлиган.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси талаби доирасида 2014 йил якунларига кўра бирлашмага келган мурожаатлар таҳлил қилиниб, ходимлар меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан 2015 йил учун мўлжалланган қўшма қарорлар имзоланди. Ходимлар ва раҳбарларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликликлари ҳамда Ўрта-махсус касб-ҳунар таълими Марказининг ҳудудий бошқармаларининг ходимлар билан ишлаш бўлими мутахассислари ҳамда касаба уюшма фаолларининг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган ўқув-дастурлар имзоланиб, шу асосда 4000 дан зиёд ходимлар меҳнат ҳуқуқлари масалалари бўйича ўқитилади.

Йилнинг биринчи чораги давомида Фарғона, Қувасой, Марғилон шаҳарлари, Фарғона, Қува, Тошлоқ, Қўштепа, Ёзёвон, Олтиариқ, Сўх, Риштон туманлари таълим ва тиббиёт муассасаларининг масъул ходимлари иштирокида ўқув-семинарлари ўтказилди.

Сарвар МАМАДИЕВ,
ЎзКУФК юридик
бўлими бош юристконсулти

ТУЗАТИШ

“Ishonch” газетасининг 54-55 сонларидаги (02.05.2015) 4-саҳифада “Солиқ” рукни остида чоп этилган Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳамдам Бобожоновнинг “Битирувчилар учун имконият” мақоласининг пастдан 3-хатбоши 3-жумласидаги **“фаолияти қатъи белгиланган”** сўзлари **“фаолияти тугатилган тақдирда, қатъи белгиланган”** тарзида тузатиб ўқилсин.

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашининг собиқ раиси

Мелентьев Юрий Александровичнинг

вафот этганлиги сабабли яқин қариндошлари ва оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

ЁҚҚАН МАЁҚ

Президентимиз таъкидлаганларидек, “Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига тортиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди”.

Дарҳақиқат, тарих сабоқларидан биламизки, халқимиз ҳар қандай даврда маънавият ва маърифатни ўзига ҳамроҳ, хайрли юмушларида эса ҳимоя қуроли қилган. Тарихий хотира эса ёшларимизга буюк аждодларидан фахрланиш, ифтихор туйғуларини бағишлаган.

Ички бир интиқлик ва эҳтиром билан шаҳид кетган ватандошларимизнинг табаррук номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган лавҳаларни ўқиётган ёшлар эътиборимни тортади.

Ўзини Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти 1-босқич талабаси Одинахон Ғуломжонова деб таништирган кўҳликкина қиз шундай дейди:

— Ҳар гал Хотира майдонига келганимда замонлар қаъридан бир нидо келгандай бўлади. Шунда бу Иккинчи жаҳон урушида шаҳид бўлган аждодларимизнинг биз, навқирон авлодларга даъватимикан, деб ўйлаб қоламан. Бугун ҳам шундай бўлди. Бир ҳафта давом этган Санъат фестивалидан чиқиб, бу муборак масканга курсдошларим билан келиб, катта руҳий қувват олиб кетаяпмиз.

Талаба синглимиз сўзларини тинглаб, машҳур ҳайкалтарош Илҳом Жабборовнинг ёшлар маънавиятига Мотамсаро она ҳайкалининг таъсири ҳақидаги гаплари ёдимга келади:

— Барча ижодкорлар қатори мен ҳам меҳрибон ва мунис она образини абадиятга кўчиришни орзу қилардим, — деганди И.Жабборов. — Мотамсаро она сиймосини яратаётганда ўзбек аёлларининг мунис қиёфаси хаёлимга келаверарди. Улар жуда кўп, бир-биридан меҳнаткаш ва фидойи, элим, юртим, болам, деб бир умр меҳнат қилсалар-да бирор марта буни миннат қилмаган меҳр маъбудаларидир.

Дунёдаги барча оналар тили, дини, келиб чиқиши турлича бўлсада, фарзандига меҳри, фидойилиги билан бир-бирига жуда ўхшайди. Айниқса, фарзандини урушга жўнатган, сал фурсат ўтмай ундан “қорахат” олган ёки бедарак кетган ўғлини кутиб яшаб ўтган оналар, уларнинг дарду дунёси, ўй-хаёллари бир хил.

Хотира хиёбонида тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, “Соғлом авлод учун” биринчи даражали ордени соҳибаси Наимахоним Маҳмудовани кўриб, қувониб кетдим. У 26 ёшида “аксилинқилобчи” ва “миллатчи” сифатида қатағон қилинган оташин шоир ва жамоат арбоби Боту (Маҳмуд Ҳодиев)нинг қизи. Узоқ йиллар касаба уюшмаси тизимига раҳбарлик қилган, меҳнаткаш халқ манфаатини кўзлаб, масъул идоралар билан музокаралар олиб бориб, халққа нафи тегадиган фаолияти билан ўзидан муносиб ном қолдира олган, минглаб шогирдларга илм эшикларини очиб берган, оддий санитаркаликдан фан доктори, профессор даражасига кўтарилган, қутлуғ ёшида ҳам эли, халқи саломатлигига камарбаста бўлаётган Федерация Кенгашимиз фахрийси оғир синовлар ичида ўтган йиллар ҳақида шундай дейди:

— Иккинчи жаҳон уруши халқимиз учун матонат синови бўлди. Ўшанда ёш бўлсам-да, халқимизнинг нақадар бағри кенг, олижаноб ва саховатпеша эканлигига гувоҳ бўлганман. Ота-онасиз, етим-есир болаларга халқимиз нафақат меҳрини, балки еб турган нон-насибасини ҳам берган.

Наимахоним халқимиз фидойилиги ҳақида сўзлаб туриб “халқ душмани”нинг қизи сифатида ўзи ва оиласи бошига тушган оғир кунларни хотирлайди.

— Уруш бошланган йили онамни қамоққа олишди. Сал фурсат ўтмай амакимни олиб кетишди. Оиламиз билан барчамизни сургун қилиш буюрилган экан. Навбат менга етганди. Бу хабарни эшитиб, бир кечада бувимнинг қадди эгилди. Тоғдек ўғиллари, навқирон невараси, гулдек келини қамалганда ҳам у йиғламаган эди. Аммо бўй етай деб қолган қизнинг Сибирга сургун қилинишига чидаб туролмади. Мана орадан шунча йил ўтган бўлса-да, бу фожиали ҳолатни ҳануз унутолмайман. У хотирамда машъум йиллар рамзи сифатида муҳрланиб қолган. Ҳар тугул яхши одамлар шарофати билан сургундан омон қолганман. Яхшиларнинг борига шукур. Нима бўлганда ҳам у кунлар тариҳда қолгани рост бўлсин. Шукр қиламизки, бизга озодлик шукуҳи, истиқлол нашидасини суриш насиб этди.

Бухоронинг Шофиркон туманидан келган кекса педагог Майрам Ашурова суҳбатимизга қўшилади.

— Отам, қайнотам уруш жабрини тортганлардан. Истиқлол фарзандлари бўлган ёшларга ҳавасим келади. Қаранг, улар қанчалик бахтиёр авлод. Гаплари дадил, фикрлари тиниқ. Уларга боқиб, ҳар соҳада дунё эътироф этаётган Ўзбекистонимиз истиқболи ишончли қўлларда эканлигига иймон келтираман. Ўзим фахрий педогог бўлганим боис ҳар ерда ёшлар маънавиятига эътибор бераман. Қолаверса, ҳар қандай хайрли иш, энг аввало, эл манфаати ва ёшлар тарбияси йўлида хизмат қилсагина, ҳақиқий қиймат касб этади. Хотира майдони бу борадаги хайрли ишларимиз кўламини кенгайтиради.

Нуроний педагогнинг сўзларини ҳамроҳи Ҳамробегим Ашурова давом эттиради:

— Хотира майдони миллий қадриятлардан сабоқ берадиган тарбия ўчоғидир. Ёшлар бу ерга келиб ўзлигини англайди, тарихий хотирасини мукаммаллаштиради, тинчликнинг қадрини теран ҳис қилади.

Кекса муаллимлар таъкидлаганидек, миллий ўзликни англамай туриб, маърифатга, маънавиятга эришиб бўлмайди.

ХОТИРА МАЙДОНИ УЛУҒ ДАРСХОНА

Хотира ва қадрлаш халқимизга хос урф-одатлар ва қадриятларнинг миллий намойишидир. Бу муқаддас тушунчалар бугун ўзлигимизни англаш, Ватан ва халқ озодлиги йўлида шаҳид кетган аждодларимизга меҳр-муҳаббат ва эҳтиромимиз рамзи сифатида ҳаётимизга чуқур сингиб бормоқда.

1999 йилдан бери Президентимиз ташаббуслари билан “Хотира ва қадрлаш куни” умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Хотира мажмуаси барпо этилиб, урушда қурбон бўлган аждодларимиз номи зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, кўпгина туман ва шаҳар марказларида ҳам Хотира майдонлари қурилиб, улар барчамиз учун муқаддас зиёратгоҳга айланиб қолди. Жанггоҳларда жон берган ватандошлар шарафига 34 жилдлик “Хотира китоби” ва унинг бир неча қўшимча жилдларида жангларда вафот этган ҳамда бедарак йўқолган ўзбекистонлик жангчилар ҳақида маълумотлар жой олган. Бугун ҳар бир маҳалла ва гузарда байрам тадбирлари ўтказилиб, ўтганлар руҳи шод этилиб, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмоқда.

Замонлар ўтади. Лекин ушбу Хотира хиёбони тарихимизга, миллий қадриятларимизга ҳурмат ҳисларини янада алангалатишга хизмат қилаверади. Нурли келажакка, юрт озодлигига умид билан кўз тиккан ота-боболаримиз жасорати, тинчликсеварлиги бу йўлда ёшларга сўнмас маёқ вазифасини ўтайди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатиб, иродасини мустаҳкамлайди ва мақсад сари дадил одимлашига йўл очади.

Амина ҚОДИРОВА,
“Ishonch” мухбири

2015-yil 5-may, seshanba, № 56 (3561), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○

"КАСАБА-ТУР" ВЕЛОМАРАФОНИ

САМИМИЙ РАҚОБАТ МУҲИТИ



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи атрофида "Касаба-тур" веломарафонининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Мазкур мусобақа Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон велоспорт Федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳолини спортга кенг жалб қилиш ҳамда мамлакатимизда велоспортни янада оммалаштириш мақсадида ташкил этилди.

Мусобақанинг очилиш маросимида Федерация Кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Тешабоев иштирокчиларни қутлар экан, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида спортга қаратилаётган юксак эътибор, қулай шарт-шароитлар сиҳат-саломатлик учун хизмат қилаётгани, мазкур беллашувлар ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда катта аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг мусобақага старт берилди. Беллашувларни эртамиз эгалари — болажонлар ва тажрибали кекса авлод вакиллари бошлаб берди.


Веломарафонда 20-35 ёшли спортчилар 10 км., 35 ва ундан юқори ёшдаги ҳаваскорлар 5 км. масофада ғолиблик учун куч синашди.

Қизғин кечган мусобақаларда 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган ҳаваскор велоспортчи эркаклар орасида ғолибликни 17-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Дониёр Ҳамраев (Сергели тумани) қўлга киритди. Аёллар ўртасида эса 35-БЎСМ ўқитувчиси Ирина Лукиенко (Яшнабод тумани) биринчи ўринни эгаллади.

35 ёш ва ундан катта эркаклар ўртасида 544-МТМ ходими Вячеслов Пятков (Юнусобод тумани), аёллар беллашувларида эса 37-БЎСМ вакиласи Светлана Исаева (Олмазор тумани) финиш чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

— Олтмиш йилдан бери велосипед ҳайдайман, — дейди мусобақанинг 73 ёшли иштирокчиси Ўткир Ҳамдамов. — Бу уловнинг соғлиққа фойдаси катта. Кунлар илиши билан набираларим билан велосипедда учамиз. Уларнинг қувончини кўриб, менинг ҳам кўнглим тоғдай кўтарилади. Касаба уюшмалари томонидан уюштириладиган мусобақаларда мунтазам қатнашаман. Веломарафоннинг ҳар йили ташкил этилишидан жуда хурсандман.





Адҳам АРСЛОНОВ,
"Ishonch" мухбири.
Муаллиф олган суратлар.

***

Гулистон шаҳрида ўтказилган вилоят босқичида 360 нафардан ошиқ ҳаваскор велоспортчи қатнашди. Айнан шунга кўра ҳам баҳслар ниҳоятда қизғин кечди.

20 ёшдан 35 ёшгача бўлган ҳаваскор велоспортчи эркаклар орасида биринчи ўринни Оқолтин туманидаги 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Нурали Абдуллаев эгаллади. Худди шу тоифадаги аёллар ўртасидаги пойгада Гулистон туманидаги 11-МТМ тарбиячиси Сайёра Нарзиева маррага биринчи бўлиб етиб келди.

35 ёш ва ундан катта эркаклар ўртасида қизғин кечган баҳсларда ҳам Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмалари аъзоларининг қўли баланд келди. Мирзаободлик ўқитувчи Абдухалил Тошматов ўзи каби серғайрат тенгдош ҳамда ёши улуғларни ортда қолдириб, марра чизиғини биринчи бўлиб босиб ўтди. Давлат муассасалари ҳамда жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси аъзоси, Гулистон шаҳар статистика бўлими ходими Ҳалима Қулжонова ҳам маҳорат бобида ўз устунлигини исботлай олди.

Шуниси қувонарлики, веломарафонда икки йилдан буён оилавий иштирок этаётганлар ҳам бор. Вилоят суд-тиббий экспертизаси ходими Алиевлар шулар жумласидандир.

— Ёшим 64 да, қизим Азиза 28 ёшда, ўғлим Аким 31 ёшда, — дейди Эдем Алиев. — Ўтган йилда ҳам веломарафонда қатнашиб, 1-, 2- ўринларни қўлга киритгандик. Бу йил иштирокчилар ўтган йилгидан-да кўпроқ, қолаверса, яхши тайёргарлик кўриб келишибти. Биз ғолиб бўлмасак-да, қатнашганимиздан хурсандмиз. Муҳими — иштирок, саломатлик сари интилишдир.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

***

Андижон вилоятида ҳам мусобақа кўтаринки руҳда ташкил этилди. Унда корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 200 нафардан зиёд ҳаваскор спортчи ғолиблик учун баҳс олиб борди.

— Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси соврини учун 124 та корхона, 350 дан зиёд ташкилот ва муассасалар ҳамда 18 та шаҳар ва туманларда ўтказилган қуйи босқичларда 3126 нафар ходим қатнашди, — дейди маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мутахассиси Муҳиба Қурбонова. — Таҳлиллар веломарафоннинг қамрови йил сайин кенгайиб, иштирокчилар сони ортаётганини кўрсатмоқда.

Муросасиз беллашув ҳамда самимий рақобат муҳити ҳукм сурган пойгаларда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати тармоғи вакиллари М.Шокирова, Г.Маманова финишга биринчи бўлиб етиб келди. Эркаклар ўртасидаги баҳсларда эса Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва тадбиркорлар тармоғидан Т.Абидов ҳамда Транспорт, йўл, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси тармоғидан М.Неъматов пешқадамлик қилишди.

— 68 ёшга тўлдим, — дейди "Энг ёши улуғ аёл пойгачи" номинацияси ғолиби Нодирахон ая Имомова. — Ҳали кексалик ҳақида ўйлашга эрта, деган фикр билан яшайман. Спорт билан шуғулланаман. Чунки доимий ҳаракатда бўлган, бардам ва тетик инсон хасталик тўрига илинмайди.



Нурилло НЎЪМОНОВ,
"Ishonch" мухбири

***

Олмалиқ шаҳрида ҳаваскор велоспортчилар ўртасида "Касаба-тур" веломарафонининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Таъкидлаш керакки, веломарафоннинг қуйи босқичларида 715 та корхонадан 8340 нафар ҳаваскор велопойгачи иштирок этганди. Вилоят босқичида эса 300 нафардан зиёд велоспортчи ғолиблик учун беллашди.

— Велосипед — саломатликни асрашда жуда қулай транспорт воситаси ҳисобланади, — дейди 20-35 ёшлилар ўртасидаги баҳснинг биринчи ўрин соҳиби Вечеслав Ригалов. — Оиламизда барча велосипед ҳайдайди. Касаба уюшмалари ташкил этаётган мазкур веломарафон айни муддао бўлди. Ушбу тадбирда ҳар гал иштирок этаман. Велосипед билан доимо ошнолигим наф берди шекилли, биринчи ўринга сазовор бўлдим. Келажакда ушбу мусобақада мунтазам иштирок этишни ўзимга мақсад қилиб қўйдим.

— Айтиш жоизки, ҳаваскорлар ўртасидаги веломарафон йилдан-йилга оммалашиб бормоқда, — дейди 35 ёш ва ундан катталар ўртасидаги баҳсда иккинчи ўринни қўлга киритган Дилфуза Раҳимова. — Жорий йилги натижамдан мамнунман. Ишдан бўш пайтларимда велосипед ҳайдаш билан мунтазам шуғулланганим фойда берди. Насиб қилса, кейинги йил ҳам қатнашаман.

Нарзулла МАҲАМОВ,
"Ishonch" мухбири.
Элмурод УМАРБОЕВ олган сурат

***

Барча мусобақалар якунида "Энг ёши улуғ аёл пойгачи", "Энг ёши улуғ эркак пойгачи", "Энг маҳоратли аёл пойгачи", "Энг маҳоратли эркак пойгачи", "Энг фаол аёл пойгачи", "Энг ёш аёл пойгачи", "Энг ёш эркак пойгачи", "Галабага бўлган интилиши учун" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

Ғолиб ва совриндорларга таъсисчиларнинг қимматбаҳо совғалари ҳамда республика босқичида қатнашиш учун йўлланмалар тақдим этилди.

ЖАННАТМОНАНД ЎЗБЕКИСТОН БУ



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Тарихи 3 минг йилларга бориб тақалувчи Ҳазорасп туманидаги Сулаймон қалъа, Боғот туманидаги Қалъажик қалъа, Шовот туманидаги Кат қалъа каби обидалар ҳамда бир нечта зиёратгоҳлар туристик маршрутга киритилгани қадимий воҳанинг дунёга қайтадан бўй кўрсатиши учун замин яратади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ички туризмни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги натижасида Хивага нафақат чет давлатлардан, балки республикамизнинг турли ҳудудларидан сайёҳлар оқими ортиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш ўринлики, 450 нафардан зиёд аъзоларни бирлаштирган гуруҳ саёҳати дунёнинг ҳеч бир давлатида кузатилган эмас.

...Автобуслар Ота дарвоза қаршисидаги майдонда тўхтади. Автоуловлар Ичан қалъада сайёҳлар кўплигидан далолат бериб турарди. Ушбу шаҳар — ёдгорлик, бошқача айтганда, очиқ осмон остидаги музей қадимдан дунё аҳлининг диққатини тортиб келади.

Хива милоддан аввалги VI – V асрлардан XX аср бошларигача бўлган даврларга таалуқли 122 дан ортиқ археологик ёдгорлик ва меъморий обидаларни ўзида мужассам этган мўъжизакор шаҳар. У ўзининг қурилиши, тарихий ўтмиши, меъморий обидаларининг яхлит тарзда сақланиб қолганлиги билан бошқа қадимий шаҳарлардан фарқ қилади.

Ичан қалъа ҳудудида 54 та тарихий обида жойлашган бўлиб, улар асосан тўрт тарихий даврда қурилган. Биринчи даврда шаҳарнинг қалъа девори барпо этилган бўлса, иккинчиси Чингизхон босқинидан кейинги давр бўлиб, XII-XIV аср ёдгорлиги саналган Саид Алоуддин мақбараси бунинг ёрқин намуналаридандир. Меъморчилик ривожланишининг учинчи даври XVI-XVIII асрларга тўғри келади. Бу даврда Хоразмда ўзбек хонларининг ҳукмронлиги мустаҳкамланиб, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи яхшиланиши Хиванинг тез ривожланишига туртки бўлган. Араб Муҳаммадхон, Ҳўжамбердибей мадрасалари, Кўҳна Арқдаги кўринишхона айнан шу даврларда бунёд этилган. XVIII аср бошида Шерғозихон мадрасаси барпо қилинган. Бу иморатлар тарихнинг не-не суронли лаҳзаларига гувоҳ бўлмаган дейсиз. Уларда неча бора миллат, халқ тақдири ҳал қилинган, неча эзгу фармонлар қабул қилинган. Хива тарихига доир китобларни ўқиган киши ушбу иморатлар сирини тез илғайди.

Хива меъморий обидалари ривожланишининг тўртинчи даври XVIII асрнинг тўртинчи чорагидан бошланади. Муҳаммад Амин иноқ шаҳарнинг янгидан қурилишини бошлаб беради. Унинг авлодлари бу бунёдкорликларни шаҳд билан давом эттирдилар. Шундан кейин Хивага ташриф буюрган оврўполиклар бу шаҳарга ўзгача ҳайрат билан нигоҳ ташлай бошлади. Бу ҳайрат туфайли уларнинг оқими кўпайгандан кўпаяверди.

Ичан қалъа ўзига хос яхлит меъморий иншоотлардан иборат бўлиб, баланд пахса девор билан ўралган, тўртта дарвозаси — Ота дарвоза, Полвон дарвоза, Тош дарвоза ва Боғча дарвоза тўрт томонга қаратиб қурилган. Ичан қалъа деворлари вақт ўтиши билан бир неча бор бузилган ва қайта таъмирланган. Девор айланасининг узунлиги қарийб 2200 метргача, баландлиги 7–8 метрга, пойдеворининг қалинлиги эса 5–6 метрга тенг. Ичан қалъа тўғри тўртбурчак шаклида қурилган бўлиб, узунлиги 650 метр, эни 400 метр, яъни 26 гектар майдонни эгаллайди.

Хива шаҳри 1990 йил 12 декабрда ЮНЕСКОнинг Канадада бўлиб ўтган 14-сессиясининг махсус қарори билан Марказий Осиёда биринчи бўлиб "Бутунжаҳон мероси" сифатида рўйхатга олинган. 1997 йилда мамлакатимизнинг икки азим ва буюк шаҳри Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик юбилейлари ЮНЕСКО раҳнамолигида дунё миқёсида кенг нишонланиши эса ўзига хос эътирофдир.

Мустақиллик туфайли Хиванинг улуғворлиги, жозибаси янада ошди. Тарихий обидаларни таъмирлаш ва янги музей кўргазмалар ташкил қилишга эътибор кучайди. Эндиликда довруғи етти иқлимга машҳур шаҳри азимни зиёрат қилиш истагидагилар беҳисоб. Француз сайёҳларидан бири "Агар сен дунёга келиб, Хивани кўрмаган бўлсанг, ўзингни дунёга келган ҳисоблама", деган экан. Бу Хива гўзаллигига, қудратига, бетакрорлигига берилган юксак баҳодир.

Саёҳатчиларга тушлик пайтида Хива туман маданият бўлими санъаткорлари иштирокида дастур тақдим этилди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
"Ishonch" мухбири.
Элбек МУСАЕВ олган сурат

Раҳимжон УМАРОВ, меҳнат фахрийси, Зангиота тумани:

— Ўтган йили Фарғона водийсига бориб келдим. Нақ жаннат. Кўзим қувнаб, баҳри дилим яйради. Бугун Урганчнинг янги қиёфасини кўриб, очиғи, таниёлмай қолдим. Хоразмга атиги 4 йил бурун келгандим. Қисқа муддатда шунча улкан ишлар қилиниши мумкинлигидан ҳайратга тушдим. Бу, шубҳасиз, мухтарам Президентимизнинг эътибори, халқимизнинг фаровон ва обод турмуш кечириши учун яратиб бераётган шарт-шароитлари натижасидир. Менимча, ҳар бир ўзбекистонлик Хива, Бухоро, Самарқандни кўриши шарт. Улар буюк ва шонли тарихимизнинг жонли мисоли. Тарихсиз келажак йўқ, дейдилар. Улуғ шаҳарлари бор юртнинг келажаги буюклигига асло шубҳа йўқ.

Зулфия БОЙМАТОВА, меҳнат фахрийси, Ангрен тумани:

— Мен ҳам, хўжайинim ҳам узоқ йиллар газ соҳасида ишладик. Ҳозир нафақадаман. Ўғлим касбимизни давом эттираяпти. Биз ҳар бир инсон касбидан камол топадиган жамиятда яшаяпмиз. Бугунги саёҳатимиз ҳам фикримнинг далилидир. "Афсона" поездида яйраб, дам олиб келдик. Поезд ойналаридан атрофни кузатиб, юртимизнинг нақадар жаннатмонандлигини яна бир карра ҳис қилдик. Хивага биринчи келишим. Ота дарвозадан киришим билан вужудимда, руҳиятимда аллақандай тароват сездим. Гўёки эртаклар дунёсига тушиб қолгандай эдим. Тош кўчалардан юрар эканман, одимларим мени қадимий Хоразм томон бошлаётгандай эди. Ҳар бир бино, иншоот, минора юрагимга муҳрланиб қолди.

Орзу МУНАВВАРОВА, меҳнат фахрийси, Янгийўл тумани:

— 33 йилдан зиёд мактабгача таълим муассасига раҳбарлик қилдим. Шу йил 4 апрел куни нафақага чиқдим. Энди она юртим бўйлаб саёҳат қилиш ниятидаман. Хивага биринчи келишим. "Афсона" поездида яйраб, ҳамкасбларим билан мамлакатимиздаги янгиланишлар, ислоҳотлар ҳақида суҳбатлашиб келдик. Бизга жуда юқори даражада хизмат кўрсатишди. Йўл бўйи ғайрат билан меҳнат қилаётган деҳқонларга кўзимиз тушди. Илоҳи, ҳосиллари мўл бўлсин! Тинчлигимизга, бахтимизга кўз тегмасин! Ичан қалъада қилган эзгу тилакларимиз рўёбга чиқсин!

Зарифа ШОКИРХОНОВА, Ангрен шаҳридаги 29-мактаб директори:

— Бугунги саёҳатим ўқувчиларимни юртим тарихи билан янада яқинроқ таништиришимга кўмаклашади. Хоразмда яшаб ўтган буюк аждодларимиз ал-Хоразмий, ал-Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий каби улуғ аждодларимиз ҳаёти, фаолияти ҳақида маълумот кечалари ташкил қилиб, ёшларни улар каби ватанпарвар, илмпарвар бўлишга даъват қилишни дилимга тугдим. Саёҳат жараёнида жуда кўплаб чет элликларни кўрдик. Улар билан суҳбатлашиб, она диёримиз ҳақидаги самимий сўзларидан қувондик.

СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○

САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

ЁШ МУСИҚАЧИЛАР ТАНЛОВИ

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Санъат ғунчалари" кўрик-танловининг республика босқичи ниҳоясига етди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мусиқа ҳамда санъат мактабларида таълим олаётган, вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган 150 нафарга яқин ёш иқтидор эгалари ўзаро беллашди.

Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваториясида зарбли, дамли чолғу асбоблари ижро йўналишида кичик гуруҳда 9 ёшдан 13 ёшгача, катта гуруҳда 14 дан 16 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўз маҳоратини намойиш этишди.

— Фондимиз томонидан иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида қатор республика ва халқаро миқёсда танловлар ўтказиб келинмоқда, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди матбуот хизмати раҳбари Аббосжон Эргашев. — Жумладан, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган бугунги тадбир бунга мисол бўла олади. Бундай танловлар ёш истеъдод эгаларига имконият эшикларини очиб беради.

Мусиқанинг турли йўналишларида беллашган ёшлар ичидан энг иқтидорлилари танлаб олиниб, ғолиблар тақдирланди.

— Бу каби тадбирлар биз ёшларга катта руҳ бағишлайди, — дейди Урганч туманидаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси, танлов ғолибаси Ижобат Мўминова. — Бугунги эътирофдан кўнглимдан кечаётган хурсандчилик туйғулари бошқа санъат ғунчаларига ҳам насиб этишини тилайман.



Раъно МАҲҚАМОВА,
"Ishonch" мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖДА АУКЦИОН САВДОЛАРИДА СОТИЛГАН МОЛ-МУЛКЛАР РЎЙХАТИ

1. "O'RTAAUL SHAROB SAVDO" УКнинг 2007 йилда и.ч., д/р 10 130 WAA бўлган "Шевроле Нива 21230L" русумли автотранспорт воситаси 19 000 000 сўмга;
2. "Ўзбекинвест" ЭИМСК Тошкент вилоят филиалининг 2002 йилда и.ч., д/р 01 878 GBA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси 22 750 000 сўмга;
3. "VIP SERVIS NBU" маркази унитар корхонасининг 2002 йилда и.ч, д/р 01 263 VBA, "ГАЗ-22171-5304" русумли автотранспорт воситаси 4 100 000 сўмга;
4. Ўзбекистон Республикаси давлат тижорат халқ банки Олмазор филиалининг 2008 йилда и.ч, д/р 01 217 MDA бўлган "ВАЗ 21703-114-01" русумли автотранспорт воситаси 12 000 000 сўмга сотилди.

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-94) 418-67-49
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 999-58-30
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: N.Choriyev
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:40**
Topshirildi — **22:40**
1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 515.
19209 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133